

This is not an ADB material. The views expressed in this document are the views of the author/s and/or their organizations and do not necessarily reflect the views or policies of the Asian Development Bank, or its Board of Governors, or the governments they represent. ADB does not guarantee the accuracy and/or completeness of the material's contents, and accepts no responsibility for any direct or indirect consequence of their use or reliance, whether wholly or partially. Please feel free to contact the authors directly should you have queries.



ЭЛЕКТРОН КООПЕРАЦИЯ ПОРТАЛИДА АХБОРОТНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ХАРИДЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ



- ✓ Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сонли Қонуни
- ✓ "Саноат кооперациясини янада ривожлантириш ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 майдаги ПҚ-4302-сонли Қарори
- ✓ "Электрон тижорат маъмурчилигини такомиллаштириш ва уни янада ривожлантириш учун қулай шароитлар яратилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзgartириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 июльдаги 392-сонли Қарори
- ✓ "Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-куватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 августдаги ПҚ-4812-сонли Қарори
- ✓ "Рақамли трансформация маркази масъулияти чекланган жамиятининг Электрон кооперация порталида ахборотни жойлаштириш ва харидларни амалга ошириш тартибини тасдиқлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрьдаги 833-сонли Қарори
- ✓ "Маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларни аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 28 ноябрьдаги 712-сонли Қарори



- ✓ "Ўзбекистон Республикасининг "Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги 2021 йил 14 июльдаги ЎРҚ-701-сонли Қонуни
- ✓ "Ижтимоий химояга доир қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айrim ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 7 майдаги ПФ-75-сонли Фармони
- ✓ "Ўзбекистон Республикасида мувофиқлиги тасдиқланиши лозим бўлган мувофиқликни баҳолаш обьектлари рўйхатларини тасдиқлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 январьдаги 43-сонли Қарори
- ✓ "Давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат тармоқларида кооперация алоқаларини жадаллаштиришнинг янги тизимини жорий этиш бўйича масъулиятини янада ошириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 августдаги ПҚ-4426-сонли Қарори
- ✓ "Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-куватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 январьдаги 41-сонли Қарори
- ✓ "Давлат харидлари электрон тизими операторлари фаолиятини тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 декабрьдаги 734-сонли Қарори



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрьдаги 833-сонли Қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ:

- **буортмачи** — Электрон кооперация порталида товарларни харид қилувчи юридик шахс;
- **етказиб берувчи** — таклиф этилган шартларда ўзининг Электрон кооперация порталида қатнашиб, савдоларда ғолиб чиқсан тақдирда, ўзи ишлаб чиқарган тайёр товарларни (ишлар, хизматларни) етказиб бериш ниятини билдирган маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ёки уларнинг дилерлари эканлиги белгиланган.
- **аванс** — харид қилиш жараёнида буортмачи ва етказиб берувчи томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда киритиладиган, жумладан, томонларнинг закалатлари (бюджет буортмачилари бундан мустасно) ва операторнинг воситачилик йигимини ўз ичига олган молиявий маблағлар суммаси эканлиги белгиланган. Бунда, томонларнинг закалати товар (иш, хизмат)лар бошланғич қийматининг **1%ни**, воситачилик йигими эса шартнома суммасининг **0.1%ни** ташкил этади.

Етказиб берувчиларнинг оферта таклифларини харидга киритиш маълумотлар мазкур низом талабларига муфовиқ тўлиқ киритилгандан **сўнг уч иш куни** давомида амалга оширилади.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчи амалдаги статистика ҳисботларида белгиланган тартибга мувофиқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичлари қайд этилган ёки мазкур Низомнинг 6 ва 7-бандларида назарда тутилган талабларига мос келувчи юридик шахс.

Бунда Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларни аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2024 йил 28 октябрдаги 712-сон қарорига 2-иловада белгиланган муддатлардан сўнг **маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳаллий ишлаб чиқарилган товар тўғрисидаги сертификат** асосида аниқланади.

Порталга жойлаштириладиган маҳсулотнинг маҳаллийлаштириш даражаси камида 30 фоиз бўлиши лозим.



ХАРИДЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ



- **Оферта (маҳсулот)ни Порталга жойлаштириш мутлақо бепул**
- **Оферта Порталда 15 иш куни давомида амал қиласи, мазкур муддат тугаганидан сўнг офертани қайта фаоллаштириш мумкин**

- **Харид қийматининг юқори чегараси белгиланмаган**
- **Харидлар тўхтатилиши муддати иш куни ва иш вақтида амалга оширилади**



ШАРТНОМАВИЙ МАЖБУРИЯТЛАР ИЖРОСИ



- Шартнома бўйича тўловлар Порталдаги хисоб-китоб клиринг палатаси (ҲҚКП) орқали амалга оширилади.
- Буюртмачи шартнома бўйича тўловни шартларига мувофиқ 10 иш кунида Порталдаги ҲҚКПга амалга оширади.
- Буюртмачи юқорида қайд этилган муддатларда шартнома бўйича тўловни амалга оширмаган тақдирда Портал буюртмачига 3 иш куни мобайнида электрон шаклда хабарнома юборади.
- Буюртмачи томонидан шартнома шартларига мувофиқ тўлов амалга оширилгандан сўнг, Портал автоматик равишда етказиб берувчини хабардор қиласи. Мазкур хабарнома етказиб берувчига товар (иш, хизмат)ларни етказиб бериш учун асос сифатида хизмат қиласи.



РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ МАРКАЗИННИГ ЭЛЕКТРОН КООПЕРАЦИЯ ПОРТАЛИДА МАҲАЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР УЧУН ЯРАТИЛГАН АФЗАЛЛИКЛАР ВА ҚУЛАЙЛИКЛАРИ

1 РҮЙХАТДАН ЎТИШ

► Амалга ошириш механизми

Рўйхатдан ўтиш

Иштирокчиларни рўйхатдан ўтказиш тартиби соддалаштирилди.

► Натижка

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳамда E-Imzo оператори билан амалга оширилган интеграция орқали, порталда рўйхатдан ўтиш жараёнидаги маълумотлар автоматлаштирилган ҳолатда тизимда пайдо бўлади.

ТИФ ТН кодларни қўшиш

Портал фойдаланувчиларининг шахсий кабинетида ишлаб чиқарувчиларнинг маълумотларини автомат ҳолатда кўрсатиш функцияси жорий этилди.



Кабинетига ТИФ ТН кодларини қўшиш интеграция орқали «Ўзбекэспертиза» акциядорлик жамияти томонидан бериладиган **маҳаллий ишлаб чиқарилган товар тўғрисидаги сертификат** асосида амалга оширилади.

Дилерни қўшиш

Ишлаб чиқарувчининг шахсий кабинети орқали дилерни қўшиш функцияси жорий этилди.



Дилерни қўшиш жараёни портал фойдаланувчиларининг шахсий кабинети орқали амалга оширилади, ишлаб чиқарувчи дилерни қўшиш учун дилерга тизим орқали сўров юборади, агар дилер сўровни қабул қиласа ишлаб чиқарувчининг маҳсулотларини сотиш ҳуқуқини олади.

Ҳисоб-китоб клиринг модули

Шартнома мажбуриятларини бажариш/бекор қилиш жараёни, шунингдек ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби автоматлаштирилди.



Томонлар мажбуриятларни бажаргандан сўнг, томонларнинг ўзаро келишувига биноан, тизим операторининг аралашувисиз шартномаларни бажариш,bekor қилиш ва факт бўйича ёпиш имкониятига ега. Шунингдек, портал фойдаланувчилари тизим орқали эрkin пул маблағларини қайтариб олиш механизми ҳам автоматлаштирилди.

Қўйи ташкилотларни (филиаларни) қўшиш

Давлат буюртмачиларининг шахсий кабинети орқали қўйи ташкилотларни (филиалларни) қўшиш функцияси жорий этилди.



Порталнинг янги ишлаб чиқилган таҳририда энди юкори турувчи ташкилотлар томонидан ўзининг қўйи ташкилотлар (филиаллар)ни алоҳида ташкилот сифатида қўшиш имкони яратилди. Қўйи ташкилотлар (филиаллар) давлат харидларини мустақил равишда, шахсий кабинети орқали амалга ошириш имкониятига ега. Шунингдек, юкори турувчи ташкилотлар ўзининг қўйи турувчи ташкилотларини назорат қилиш имконияти яратилди.



2 МОДЕРАЦИЯ

► Амалга ошириш механизми

Маҳсулотларнинг (оферта) модерациядан ўтиш тартиби автоматлаштирилди.

► Натижка

Нотўғри тўлдирилган маҳсулотлар (оферталар) аниқланганда, эндиликда нотўғри тўлдирилган оферталарнинг ҳар бир майдони кесимида сабабларини кўрсатган ҳолда рад этиш эҳтимоли яратилди.



Маҳсулотлар (оферталарнинг) модерациядан ўтиш жараёни бўйича, эндиликда электрон навбатли тизим механизми жорий этилди.



Импорт маҳсулотларини аниқлаш механизми автоматлаштирилди.



Импорт маҳсулотларини аниқлаш мақсадида тизим Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг маълумотлар базаси билан интеграциялашган. Етказиб берувчилардан импорт маҳсулот аниқланганда, тизим автоматик равиша импортга мос келадиган офертани блоклайди ва етказиб берувчининг шахсий кабинетига хабар юборади.



Иш ва хизматларни миллий классификаторга мувофиқ жойлаштириш имконияти яратилди





3 САВДО ЖАРАЁНЛАРИ

► Амалга ошириш механизми

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг
30.09.2019 йилдаги 833-сон
қарорига мувофиқ портала савдо
механизм жараёнлари
такомиллаштирилди.

Етказиб берувчиларни бир хил
турдаги маҳсулотлар савдоси
бошланганлиги тўғрисида СМС-
хабарнома орқали хабардор
қилиш механизми ишлаб чиқилди
ва жорий этилди.

Нарх сўраш механизми
такомиллаштирилди.

Савдо вақтининг тугаши учун
ҳисоблаш тизими жорий
етилди.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2024 йил 10
январдаги ПҚ-15-сон қарори

Портал орқали қонунчиликка
мувофиқ тўғридан-тўғри
шартномалар тузиш имконияти

► Натижা

Барча савдолар фақат иш кунлари ва иш соатларида
бошланади ва тугайди. Дам олиш кунлари ва
ишламайдиган кунларда савдолар тўхтатилади. Агар,
тугамаган савдоларнинг қолган қисми мавжуд бўлса
ва улар ишламайдиган кунлар ва дам олиш кунларига
тўғри келса, иш кунларига ўтказилади.
Савдоларнинг давомийлиги қатъий 48 соат.

Портала ўз оферталарини жойлаштирилган барча
етказиб берувчилар, ушбу хизматни шахсий кабинети
орқали улаганларидан сўнг, СМС-хабарнома шаклида
savdo бошланганлиги тўғрисида хабар олишади.

Буюртмачилар нархларни сўраганда, тузилган
шартномалар учун тўлов усулини олдиндан
танлайдилар. Шунингдек, етказиб берувчилар ҳам
сўровларни қабул қилишда тўлов усувларини
олдиндан кўриши, яъни олдиндан тўлов ёки тўловсиз
(олдиндан тўлов фоизини кўрсатган ҳолда) усулини
танлайдилар.

Савдо жараёнлари иштирокчилари реал вақт
режимида охирги сониягача савдонинг аниқ тугаш
вақтини кузатishi мумкин.

Тизим орқали инсон омили аралашувисиз порталда
маҳсулотларни қидириш ва маълумотнома юклаб олиш
функцияси ишлаб чиқилиб ишга туширилди.

Ногиронлиги бўлган шахслар томонидан ишлаб
чиқарилган маҳсулотлар, шунингдек инновацион
маҳсулотлар учун Порталда алоҳида саҳифа
орқали тўғридан-тўғри шартномалар тузиш
имконияти жорий этилди.

4 ШАФФОФЛИК ВА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР

► Амалга ошириш механизми

Ўзбекистон Республикаси ҳисоб
палатаси, Рақобатни
ривожлантириш ва
истеъмолчилар ҳуқуқларини
ҳимоя қилиш қўмитаси ҳамда
Монополияга қарши курашиб
қўмитаси билан ўзаро маълумот
алмашинувини йўлга кўйиш
мақсадида интеграциялар
амалга оширилди.

Портал фойдаланувчиларнинг
шахсий кабинетида савдо
тарихи тўғрисидаги
маълумотларни
шакллантириш ва кўрсатиш
механизми жорий этилди.

Порталнинг бош саҳифасида
барча фаол савдолар
реестрини кўрсатиш
механизми ишлаб чиқилган
ва жорий қилинган.

Иштирокчиларнинг ўзлари
томонидан маълумотларни,
иштирокчиларнинг таркиби
бўлинмаларини қўшиш
механизми жорий этилди

► Натижা

Тезкор маълумот алмашинуви (интеграция)
орқали, манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва
қонун бузилишининг олдини олиш учун,
харидларни реал вақт режимида кузатиб
бориш имконини беради.

Максимал шаффофликни нафақат савдо жараёни
давомида, балки савдо тугаганидан кейин ҳам
қуидаги маълумотларни намойиш қилиш билан
таъминлаш:

- савдонинг бошланиш ва тугаш вақти;
- савдо ғолиби ҳақида маълумот.

Порталнинг барча фойдаланувчилари реал вақт
режимида фаол савдолар реестрини кўриб
бориши имкониятига эга.

Портал фойдаланувчилари шахсий кабинети
орқали қуий ташкилотларини (филиалларни)
қўшиш, шунингдек уларга ТИФ ТН кодлар ҳамда
сертификатларни портал операторларига
мурожаат қилмаган ҳолда қўшиб бериш
механизми жорий этилди.

ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАХМАТ !